

## Фикр дурдоналари (18-қисм)



16:11 / 23.03.2017 5847

**91.** Сиз яхши кўрадиган ҳар бир нарса сизнинг бахтли бўлишингизга сабаб бўлавермайди.

Сиз ёмон кўрадиган ҳар бир нарса сизнинг хафа бўлишингизга сабаб бўлавермайди.

Пичоқ мулойим ушладиган бўлишига қарамасдан сизни жароҳатлайди.

Дори аччиқ таъмли бўлишига қарамасдан (Аллоҳнинг изни билан) сизга шифо бўлади.

**92.** Она шундай жаннатки, Аллоҳ таоло уни ҳар бир уйга қўйгандир. Эй Аллоҳ! Мусулмонларнинг оналарини Ўзинг муҳофаза қилиб, вафот этганларини раҳматингга олгин!

**93.** Уч нарсани зеҳнингга ўрнаштириб олишинг керак:

1. Ўлимдан қутулиш йўқ.

2. Дунёда роҳат йўқ.

3. Инсонларнинг гапидан саломат бўлиш йўқ.

**94.** Эй ғамга ботган, истиғфор айт!

Эй бемор, истиғфор айт!

Эй қарздор, истиғфор айт!

Эй муҳтож, истиғфор айт!

Шунда ўзинг ўйламаган томондан ризқланасан!

**АСТАҒФИРУЛЛОҲ АЛ-АЗИЙМ ВА АТУБУ ИЛАЙҲИ**

**95.** Робийъ ибн Анас дедилар: "Аллоҳнинг муҳаббатининг аломати – Унинг зикрини кўпайтиришдир. Агар сен бирор кишини ёки бирор нарсани яхши кўрсанг, уни кўп зикр қиласан, эслайсан, ёдга оласан".

*Қуйидаги маълумотлар фейсбукдаги "Роваиъул фикр" (Фикр дурдоналари),  
"Ховатир роқия" (Салмоқли фикрлар) каби саҳифалардан олинган.*

**Нозимжон Ҳошимжон таржимаси**